

ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ИННОВАЦИОН ЎЗГАРИШЛАР

Х. Рахимов ¹, И. Илёсов ²

Аннотация:

Ушбу мақолада чет тиллар ўқитиш методикаси тархи, айти пайтда амал қилинаётган тажрибалар ва янги шароитларда тақоза қилинаётган инновацион ўзгаришлар ҳақида билдирилаётган фикр-мулоҳаза ва таклифлар мухтасар баён қилинган.

Калит сўзлар: чет тил, ўқитиш, методика, кўникма, малака, лаёқат, компетенция, фикрлаш, таржима қилиш, гапириш, ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, психоллингвистика, нейрофизиология, нейролингвистика.

doi: <https://doi.org/10.2024/hhqp702>

Учинчи Ренессанс даврини бошлаган мамлакатимизда амалга оширилаётган муҳим таълимий соҳа бўлган чет тил ўқитиш методикасидаги ҳозирги аҳвол ва келгусида қилинажак назарий ва амалий изланиш ва ишланмалар яратиш эҳтиёж ва вазифаларимиз ҳақида мухтасар маслаҳатлашсак.

Биз 50 йиллик педагогик фаолиятимиздаги кузатувларимиз шуни кўрсатмоқдаки, аввалги бешйиллик ва ҳозирги тўртйиллик чет тил таълимида ўргаувчи ва ўрганувчилар олдига қўйиладиган асосий мақсад асосий нутқ фаолияти турлари ҳисобланиб келган

1. Чет тилда гапириш,
2. Чет тилда ёзиш,
3. Чет элликнинг нутқини тинглаб тушуниш ва
4. Чет тилдаги матнни ўқишдан иборат бўлган асрий нутқ фаолияти турлари бўлиб қолмоқда.

Бизнинг хулосамиз: битирувчиларнинг кўпчилиги ўзи ўрганаётган четилда талаб даражада (В1 ё В2) хатосиз гапира олмаётганлар. Хатоларнинг характери асосий лисоний сатҳлар бўлган фонетика, грамматика ва лексикага оид. Бунинг сабаблари сифатида ўргатувчининг методик маҳорати етишмаслиги, ўрганувчиларнинг индивидуал қобилиятлари ва ммотивацияларинг қониқарсизлиги деб айтилмоқда. Бу хулосаларга қисман қўшилган ҳолда муаммонинг илдизини таълим мақсадига эришиш тизимидаги эътибордан четда қолаётган омилда деб биламиз ва бу омил халқаро лингвометодика фанининг замонавий талаб даражаларидан орқада қолаётганилигида кўриш мумкин.

Шу орқада қолаётганимизнинг сабабини биз чет тил таълимида психология, айтиқса психоллингвистиканинг муҳим хусусиятлари ва инсон физиологиясининг муҳим жиҳатлари методистлар эътибордан четда қолаётганида деб биламиз.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, чет тилда гапиролмолқчи бўлган ўзбек ўқувчиси ёки талабаси гапиришдан аввал нимани гапираман (?) деган саволни ўзига қўйиши лозимми (?) ёки ўйламай гапираверадими? Ана шу ўйлаш фикрлашни талаб қилади. Ана шу фикрлаш эса она тилида содир бўлишини психология фани аксиомаси эканлигини ҳамма билади. Чет тил ўрганувчи бошланғич А1, А2, В1 чет тил билиш даражаларида

¹ Х. Рахимов, ЎзДЖТУ профессори

² И. Илёсов, СамДЧТИ доценти

ҳам она тилида фикрлайди. В2 тил даражасидан бошлаб у етарли сўз бойлиги ва фонетик ҳамда грамматик билимлари асосида чет тилда гапира бошлайди.

Бироқ она тилдаги фикрни чет элликка гапириш учун у она тилдаги фикрини чет эллик тилига таржима қилиши керак. Демак биринчи қадам фикрлаш, иккинчи қадам таржима қилиш ва учинчи қадам гапириш бўлади.

Аммо фикрлаш, таржима ва гапириш жараёнлари бирвақтда (синхрон) содир бўладими ёки бирин-кетин (диахрон, яъни кетма-кет) амалга ошадими? Ана шу таржима жараёни-сиз дастлабки А1, А2, В1 босқичларда гапириш талабга жавоб бериши амри маҳол ва гапириш жараёнида хатолар билан амалга ошади. Таржима айинқс синхрон таржима махсус ўрганишни талаб қилади. Синхрон таржимани махсус ўрганмаган кўпчилик устозлар ҳам эплай олмаслигини ҳамма билади.

Аммо нафақат синхрон таржимани, ҳатто она тилида фикрлаш на оилада, на боғча ва ўрта мактабда, ва на олий таълимда ўргатилаяпти.

Демак традицион тарзда белгиланган ва амалга оширилаётган чет тил ўқитиш мақсадлари ва нутқ фаолияти турларинини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг бирин-кетинлигини тўғри белгилаб, чет тил ўқитишда тўғри гапиришни кафолатловчи дастлабки нутқий фаолият сифатида фикрлаш ва ундан кейин келадиган таржима қилишни ўргатиш асосида гапиришни ўргатишимиз лозим. Ёзиш фаолият тури ҳам фикрлаш ва таржима қилиш асосида бажарилиши сифатли, беҳато ва маънили ёзишга имкон беради. Ўқиш ва тинглаб тушуниш нутқий фаолият турларида эса бирин-кетинлик аввал таржима қилиш ва ундан сўнг фикрлаш амалга оширилса, ўқилган матнни тушуниш адекват тарзда кўзланган мақсадга, матн устида ишлашдан ҳосил бўладиган натижага етаклайди. Таржима нутқ фаолият тури (Fertigkeit Übersetzen) сифатида Германиялик таржимашунос олима Кристиан Норд хоним томонидан ишлаб чиқилди ва аста-секинлик билан жорий қилинмоқда.

Бироқ биз таклиф қилаётган фикрлаш нутқ фаолияти турини барча билиш босқичлари (Билим – wissen, кўникма – Fähigkeit, малака – fertigkeit, лаёқат – kompetenz) асосида ўрганиш ва ишлаб чиқиш келгусининг вазифаси сифатида ҳозирча методист ва дидакт олимлар олдида кўндаланг турибди.

Фикрлаш – кўпқиррали жараён. Дастлаб у нейрофизиологик ҳодиса сифатида инсон миёсида ҳужайралар ва тўқималар шаклида мавжуд ва унинг ўз ривожланиш қонуният ва босқичлари бор. Янги туғилган чақалоқ миёсида ҳали фикр шаклланмаган. Вақт ўтиши билан бола нутқи она тилида шакллана ва ривожлана бошлайди.

Фикрлаш – нейробиологик ҳодиса. Бу ҳодисани махсус психоллингвистик тадқиқот марказлари ўрганмоқда ва шу жараёнга таъсир қилиш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Ва ниҳоят фикрлаш – нейролингвистик жараён. Айни пайтда жаҳон тилшунослари бу масала устида бош қотиришмоқдаю, нафақат чет тилда фикрлаш бўйича, балки она тилида фикрлашнинг лингвистик механизми ва лисоний тизимлари ва воситалари узил-кесил ишлаб чиқилганича йўқ. Муаллифлар олмон тилини чет тил сифатида ўқитиш жараёнида пайдо бўлган дастлабки кузатувларимизни Сиз ҳамкасблар билан ўртоқлашмоқчи бўлиб, дастлабки фикр-муоҳазаларимизни Сизлар билан ўртоқлашдик. Қўйилган муаммо ва илгари сурилган фикрларимиз бўйича ҳамкасбларни ҳамкорлик қилишга даъват қиламиз. Эл.манзил churram@mail.ru,

Tel., Telegramm: +998 90 9614092.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Миролубов А.А. Методика обучения иностранным языкам. М. 2012.
- [2]. Жалолв Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Т., 2010.

- [3]. Nord Ch. *Fertigkeit Übersetzen*. B., 2021.
- [4]. Christ H. *Geschichte des Fremdsprachenunterrichts*. K., 2011.
- [5]. Neuner G. *Methodik des fremdsprachlichen Deutschunterrichts*. K., 2012.